

# ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ ВА КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

КУНИ КЕЧА КЎКСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР БИЛАН КЕЧГАН САМИМИЙ ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТИНИ ШУНДАЙ ТАЪРИФЛАШ МУМКИН



**Ақтам ХАЙТОВ,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия  
қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Жуда кўп бора кузатганимиз, давлатимиз раҳбари қалбда бир дунё орзулари жўш уриб, кўзлари ёниб турган навқирон авлод вакиллари билан қачон учрашса, янгидан янги ташаббуслар ўртага чиқади, имкон қадар уларни кўпроқ эшитишни хоҳлайди. Нега, нима учун бугунги кун ёшларига бу даражада ишонч, меҳр-муҳаббат пайдо бўлмоқда?

Дарвоқе, ёшларимиз тақдири ҳақида сўз юрийтишдан аввал яна бир тарихий воқеликни эслаш жоиз: 2016 йил 14 сентябрда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун – Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати замирида ўзига хос рамзий мазмун-моҳият мужассам эканини унутмаслик керак. Тасаввур қилинг, аҳолисининг ярмидан кўпроғи, яъни кечагина таъкидланганидек, 22 миллиондан ортиқ ёшлардан иборат бўлган мамлакатда эртанги кун эгаларини ҳар томонлама билимли ва баркамол, интеллектуал салоҳияти балоқд, тафаккури кенг, дунёқарashi теран бўлиб воғжа етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Янги Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажаги йўлида ҳар қандай синовларга тайёр, эзгу мақсадларга эришиш учун интилувчан, ватанпарвар кадрларни тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим шарти экани шубҳасиз. Бундан роппа-роса беш йил аввал Президент томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши ҳам Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича янги босқични бошлаб берган эди.

Ёки узоққа бормаёлик, ўтган йил 23 сентябрда Президентимиз энг юксак минбар – БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқида "Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни синдириш долзарб вазифамиздир", деган эди. Айни ўша кунлари Нью Йоркда бўлиб ўтган ўзбекистонликлар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев "Биз денгиздан узокмиз, лекин учта-тўртта мамлакатга, денгизга боришимиз учун битта кўприк бор – ёшларнинг билими", дегани ҳам бежиз эмас.

Биз бугун нега ана шундай унутилмас учрашувларни эслаймиз? Чунки ёшлар билан Кўксаройдаги суҳбатда ҳам эзгуликка йўғрилган худди шундай халқлик мақсад ва режалар қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Масалан, мулоқотда дунёнинг ривожланган, йирик давлатлари, жумладан, энг нуфузли компаниялар айнан Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотларга ишонч ҳосил қилгани учун ҳам миллиардлаб доллар инвестиция кийритаётгани айтиб ўтилди.

– Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ҳамкорларимиз ёшларимизнинг илм-фан, таълим, ИТ, маданият, саноат ва спортдаги ютуқларини кўриб, салоҳиятимизга баҳо бермоқда, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Албатта, кейинги йилларда ёшларимиз томонидан эришилган ютуқлар кам эмас. Мисол учун, яқин давр ичида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда тахсил олаётган талаба ёшларимиз 500 нафардан, ТОП-100 талиқдаги олийгоҳларда ўқийётган йигит-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди. Ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорларига кириб борган. Ёш спортчиларимиз халқаро ареналарда 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медалининг соҳиби бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, бугунги кунда ёш тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда. Бу кичкина рақам эмас. Негаки, Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эътироф этилиши зиммамизга янада жиддийроқ масъулият юклайди.

Таъкидланганидек, жорий йилда пойтахтимизда Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши, қадим Самарқандда Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, "Take Off" халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши ушбу шарафли мақомни янада мустаҳкамлаши аниқ.

Шунингдек, давлат раҳбари айтиб ўтганидек, яна бир муҳим ижтимоий масала, яъни ҳар йили 600 минг ёшнинг меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етиши уларнинг имконияти ва касби-корига қараб иш билан таъминлаши учун етарли даражада шароит яратиш чораларини кўриш зарурлиги ўқитиб ўтилди. Эътиборли жиҳати, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдиргани айнан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳам жиддий оғоҳлик кўнғироғи эканини англашимиз зарур.

Қолаверса, санаб ўтилган "Ёшлар бизнеси", "Келажакка қадам", "Келажақ тадбиркори", "Янги авлод тадбиркорлари" каби дастурларнинг ҳаётга таълим этилишига шарт берилгани айни мuddао бўлди. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди. Чунки партияимиздан парламент куйи палатасига сайланган депутатлар ҳамда худудлардаги маҳаллий кенгашларимиз вакиллари, фаолларимиз Президентимиз томонидан белгилаб берилган барча ҳаётий вазифаларни виждонан адо этишни ўзларининг инсоний бурчи деб билишади. Ушбу учрашувда кўтарилган барча ташаббус ва билдирилган тараққиларни сиёсий куч аъзолари ўз худудларида, кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишда ҳам фаол бўлишади.



IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chop  
etila boshlagan

26-fevral  
2026-yil  
8 (1 162)

21asr.uz XXlasr\_yangiliklari XXIASR XXI\_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXlasrgazetasi

## ЭРТАНГИ КУН УЧУН КАТТА САРМОЯ Ёшлар сиёсатида янги босқич бошланади



Кўксарой қароргоҳида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирокида ўтган ёшлар билан мулоқот мазмун-моҳияти жиҳатидан мамлакатнинг яқин ва узок истиқболини белгилаб берувчи муҳим сиёсий қарорлар майдони бўлди. Унда илгари сурилган ташаббуслар ёшларга қўшимча имтиёз бериш ёки алоҳида дастурларни кенгайтириш билан чекланмай, давлат ва жамият муносабатларида янги ёндашув – "имкониятлар орқали тараққиёт" тамойилини мустаҳкамлади.

Мулоқотда қайд этилганидек, юртимизда бугун 22 миллиондан ортиқ ёшлар бўлиб, уларнинг салоҳиятини рўйбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Мазкур ташаббуслар фақат ижтимоий кўмак беришга қаратилмаган. Аксинча, ёшларни иқтисодий фаол субъектга, инновация ва тадбиркорликнинг асосий драйверига айлантириш мақсади кўзланган. Бу эса тараққиётимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтаётганидан далolat беради. Масалан, ўтган йилда мазкур қатлам бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар ажратилди, 15 минг ёш ўз бизнесини бошлади, 50 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Ёшлар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар йили қарийб 600 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келаётган бир шароитда янги иш ўринлари яратиш масаласи стра-

тегик вазифага айланмоқда. Шу нуқтаи назардан уларнинг тадбиркорлик қилиши учун қўшимча 200 млн доллар ажратилиши, кредит миқдорларининг кескин оширилиши, гаровсиз маблағлар тақдим этилиши иқтисодий фаолликни кенгайтирмоқда. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит лимити 100 млндан 300 млн сўмгача оширилди, йирик лойиҳалар учун эса 10 млрд сўмгача молиялаштириш имконияти яратилди. Инновацион стартапларга 100 минг долларгача тўғридан-тўғри инвестиция қилиниши руҳлат берилди. Бу орқали кичик ташаббуслардан тортиб, йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларигача бўлган лойиҳаларни амалга ошириш имкони пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Келажақ тадбиркори" дастури доирасида ёшларга 7 йилгача мuddатга 15 фоизли имтиёзли кредит берилиши белгиланди. Бунда гаровсиз 20 млн сўмгача, янги бизнес бошлаётганларга 300 млн сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 млрд сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорга эса 10 млрд сўмгача маблағ ажратилади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бизнес бошлашдаги асосий муаммо кўп ҳолларда маблағ эмас, балки билим ва тажриба етишмаслиги ҳисобланади. Шу боис ҳар бир ҳудудда ташкил этиладиган ёшлар бизнес инкубаторлари гоғни тайёр махсуслот ёки хизматга айлантиришга ёрдам беради. Жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент шаҳрида шундай марказлар ташкил этилади.

Таълим тизимини меҳнат бозори талабларига мослаштириш бўйича қабул қилинган чоралар

кеलाжақ иқтисодиёти учун мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Техникумларда дуал таълимни кенгайтириш, иш берувчилар иштирокини кучайтириш, лаборатория ва замонавий ускуналар билан таъминлаш орқали назария ва амалиёт ўртасидаги узилиш бартараф этилмоқда. Ҳар йили камида 100 та техникумни ўқувчи таъмирлаш вазифаси қўйилди. Техникум ўқувчилари учун ҳам "ишла ва саноат қил" дастурининг жорий этилиши муҳим янгилик эмасми? Бу орқали ёшлар ҳорижда 6 ойгача ишлаш имкониятига эга бўлади, йўл ҳаражатлари учун эса имтиёзли суда берилади. Натижада уларнинг рақобатбардорлиги ортиб, ички бозорда ҳам оқори малакали кадрлар шаклланади. Олий ўқув юртлири битирувчилари учун эса "Менинг биринчи касбим" дастури асосида стажировка даврида ойига 2 млн сўмгача стипендия тўланади.


Хорижий тиллар ва замонавий касбларни ўрганишга қаратилган чоралар билим иқтисодиётига ўтиш жарафини тезлаштиради. Бугунги кунда тил сертификатига эга ёшлар сони 600 мингдан ошган, 72 минг нафар инструктор тайёрланган, хусусий ўқув марказлари сони эса 38 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Чекка худудларда ўқув марказларини ташкил этиш, солиқ имтиёзлари бериш, ўқитувчиларни ривожланган мамлакатларда стажировкага юбориш таълим сифатини худудлар кесимида тенглаштиришга хизмат қилади. "Кўмак" дастури доирасида 130 млн сўмгача фоизсиз суда ажратилиши натижасида 6 ойда 120 дан ортиқ тил маркази очилди, эндиликда уларни кенгайтириш учун 300 млн сўмгача қўшимча маблағ берилади.

Давоми 2-саҳифада.

### БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

O'zLiDeP ижроқўми қарорига  
биноан айни кунларда  
2 миллион 307 мингдан ортиқ  
партия аъзосини бирлаштирган  
16 705 та куйи бўғинлар ишини  
баҳолаш, ташкилот раислари ва  
ўринбосарларини сайлаш жараёнлари  
қизғин давом этмоқда.  
Жорий йил 25 февраль ҳолатига кўра,  
2191 та БПТда ҳисобот-сайлов  
йигилишлари ўтказилиб, улардан  
1962 тасида куйи бўғинлар томонидан  
амалга оширилган ишлар ижобий  
баҳоланди. 229 та таянч нуқтага эса янги  
раислар сайланди.

### БУГУНГИ СОНДА:



ДЕПУТАТ  
НАЗОРАТИ  
ҚОҒОЗДА ҚОЛМАЙДИ



СУД ЗАЛИДА... СУНҒИЙ  
ИНТЕЛЛЕКТ ЭМАС,  
ЖУРНАЛИСТ УТИРАДИ



Қўшма ййғилиш

# ИҚТИСОДИЁТ ВА АГРАР СОҲА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

**O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва партия фракциясининг навбатдаги қўшма ййғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш" ййлида устувор ййналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида"ги фармонидан келиб чиқадиган партия олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.**

шарт-шароитлар яратиш иқтисодий ўсишга кучли туртки беради.

— Фармонда аграр соҳани янги босқичга олиб чиқишга ҳам жиддий эътибор қаратилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Равшан Мамутов**. — Юқори ҳосилдор навлар ва замонавий агротехнологияларни жорий этиш орқали пахтачилик ва ғаллачиликда катта марраларга эришиш, шу билан бирга сабзавотчилик, боғдорчилик ва тоқчиликни кенгайтириш мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлайди. Агротехнологияларни янада мустаҳкамлайди. Агротехнологияларни янада мустаҳкамлайди. Агротехнологияларни янада мустаҳкамлайди.

— Мазкур ййналишда белгиланган устувор вазифалар партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва гоёлар билан тўлиқ ҳамоҳангдир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бобур Бекмуродов**. — Уларнинг бажарилиши юқори қўшилган қийматга эга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошади. Бу эса фермерлар даромадини кўпайтириш билан бирга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Мазкур фармонда белгиланган долзарб вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда яна қандай жиҳатларга эътибор бериш хусусида парламент кўйи палатаси депутатлари **Абдулла Аслонов, Бахитбой Алдамуратов, Аҳмад Шодмонов, Нодир Жумаев, Гулшана Худоёрова** ва бошқалар муносабат билдирди ўтди.

Ййғилиш кун тартибидида бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

— Фармонда маҳалла институтини кучайтириш, унинг молиявий ва ташкилий имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган, — деди ййғилишни очар экан **O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов**. — Маҳалла энди фақат ижтимоий тузилма эмас, балки ҳудудий тараққиётнинг таянч бўғинидир. Энг муҳим ташаббуслардан бири — маҳаллаларда сановат ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 5 триллион сўм ййналтирилиши бўлди. Бу орқали 10 мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилади, 100 мингта янги иш ўрни яратилади. Тадбиркорлар учун кредит фойзаларининг бир қисми қоплаб берилиши эса маҳаллада бизнес муҳитини янада яхшилайди.

Мазкур ислохотлар маҳаллани аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишдан масканга айлантиради. Бу борада партия томонидан "Маҳаллани ишбилармон аёли", "Маҳалланинг ёш креатив тадбиркори", "O'zLiDeP депутати маҳаллада", "Фаровон оила", "Тадбиркор ва фермерларга ҳуқуқий ёрдам" каби янги лойиҳаларга старт берилди. Ушбу партиявий лойиҳаларни самарали ташкил қилиш ва натижа-

дорлигини ошириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Қўшма ййғилишда давлат дастурининг иқтисодий ва технология ва инновацион ўсиш моделига босқичма-босқич ўтказишдаги стратегик аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди.

— Мазкур ййналишда белгиланган устувор вазифалар партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва гоёлар билан тўлиқ ҳамоҳангдир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бобур Бекмуродов**. — Уларнинг бажарилиши юқори қўшилган қийматга эга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошади. Бу эса фермерлар даромадини кўпайтириш билан бирга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Мазкур фармонда белгиланган долзарб вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда яна қандай жиҳатларга эътибор бериш хусусида парламент кўйи палатаси депутатлари **Абдулла Аслонов, Бахитбой Алдамуратов, Аҳмад Шодмонов, Нодир Жумаев, Гулшана Худоёрова** ва бошқалар муносабат билдирди ўтди.

Ййғилиш кун тартибидида бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

# ЭРТАНГИ КУН УЧУН КАТТА САРМОЯ Ёшлар сиёсатида янги босқич бошланади

Бошланиши 1-саҳифада.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ипотека механизмининг тақомиллаштириш ҳам аҳолининг ижтимоий барқарорлигига бевоусита таъсир кўрсатади. Хар йили мамлакатимизда қарийб 270 минг янги оила ташкил топаётганини ҳисобга олган ҳолда, ипотека кредитининг 14 фоиздан юқори қисми давлат томонидан қопланиши белгиланди. Биламизки, уй-жой масаласи ҳал этилмаган ёш оила иқтисодий фаоллигини ҳам тўлиқ намойиш эта олмайди. Ёшларнинг маънавий ва фуқаролик фаоллигини оширишга қаратилган ташаббуслар жамият барқарорлигининг муҳим омилли ҳисобланади. Бугунги кунда 100 мингдан ортиқ ёш волонтерликка ҳалқ атлалар. Уларни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ташкил этилиб, ҳар йили республика бюджетидан 20 млрд, маҳаллий бюджетлардан эса қўшимча 3 млрд сўм ажратилади. Волонтерлик лойиҳалари учун 100 млн сўмгача грантлар берилди. Бу ёшларнинг жамоат ишларида иштирокини кенгайтиради.

Китобхонликни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар маънавий хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Энг истеъдодли ёзувчиларга бир йил давомида ойига 20 млн сўмдан ҳақ тўланади, мактаблардаги фаол китобхон ўқувчиларга 10 млн сўмдан муқофот берилди. Китоб савдосини ойига 10 минг донадан оширган тадбиркорга эса 1 млрд сўмгача 7 фоизли кредит ажратилади. Ҳафтанинг пайшанба кунли



**Сувара УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

вазирлик, идора ва ҳокимликларда Ёшлар кунини жорий этиш раҳбарларнинг аҳоли билан мулоқоти формал ҳисоботлардан реал натижага ййналтиради. Маҳаллаларга чиқиб, муаммоларни жойида ҳал қилиш амалиёти бюрократик тўсиқларни камайтиради ва қарор қабул қилиш самарадорлигини оширади. Шунингдек, жазони ўтаб чиққан ёшларни жамиятга қайтаришга қаратилган "Иккинчи имконият" дастури ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг амалий ифодасидир. Ушбу дастур доирасида улар 8–12 ойлик интенсив курсларда замонавий касбларга ўқитилади ва иш билан таъминланади.

Умуман олганда, илгари сурилган ташаббуслар бир-биридан мустақил чора-тадбирлар эмас,

балки ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс тизимдир. Энг муҳим жиҳати, мазкур сиёсат ёшларни давлат ёрдамига муҳтож қатлам сифатида эмас, балки мамлакат тараққиёти таъминлайдиган асосий куч сифатида кўради. Имконият, ресурс ва ишонч берилган ёш авлод эса ўз навбатида янги иш ўринлари яратади, инновация киритади, жамиятни олға етаклайди.

Мазкур вазифаларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва ҳудудлардаги амалий фаолияти орқали фаол иштироки ва ишончли кўмакчи бўлади. Ахир ёшларга киритилган сармоя — бу келажакка киритилган сармомиядир.

# ДЕПУТАТ НАЗОРАТИ ҚОҒОЗДА ҚОЛМАЙДИ

Бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чорақда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан


**Эътибор беряспизми, давлатимиз раҳбари нима учун депутатлик сўровларининг жонлигини ва уларга масъуллар томонидан вақтида жавоб қайтарилишига ургу бермоқда? Бу аслида жамиятдаги сиёсий муҳит ўзгараётганининг яққол белгиси, десак муболага бўлмайди.**

Аввало, Президентнинг чиқишлари депутатларга маънавий ва сиёсий куч берди. Илгари депутат бирор вазирга сўров юборишга истиҳоло қилган ё чўчиган бўлса, ҳозир бу унинг тўғридан-тўғри вазифаси ва Пре-

оранлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир.

...Бироқ суднинг уй-жойни бузишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими бўлишига қарамастан, **Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Шохруҳобод кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлари бузиш ҳаракатлари амалга оширилган** ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама ва эътирозларга сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, номи зикр этилган кўчада жойлашган 26-кўп квартирили уй-жой мулкдорлари билан олдиндан келишувга эришилмаган бўлса-да, мулк ҳуқуқига дахл қилинган ҳолда уй-жойнинг том қисми, айрим хонадонларнинг эшик ва дераза конструкцияларини бузиш ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, коммунал хизматлар (газ ва электр) узиб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,



зидент талаби эканини ҳис қилмоқда. Мурожаатномаларда асосий ургу маҳалладаги муаммоларга қаратилган депутатларни кабинетдан чиқиб, пастига тушишга мажбур қилди. Энди халқ вакили юқоридида глобал мавзулар эмас, балки аниқ, маҳалладаги ичимлик суви, трансформатор ёки йўл масаласида сўров юбормоқда. Бу эса сўровлар сонининг кескин ортишига олиб келди. Президент ижро ҳокимияти раҳбарлари (вазирлар, ҳокимлар) қарата: **"Депутатнинг сўрови — бу халқнинг талаби, унга беписанд қараш халққа беписанд қарашдир"**, деб қатъий талаб қўйди. Бундан кейин масъулларнинг эътиборсиз қолдириш тактикаси ўз-ўзидан хавфли бўлиб қолди. Айниқса бу талаблар Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз аксини топгани, хусусан, депутатлик назорати механизмлари ва ҳукуматнинг ҳисобдорлиги конституциявий даражада мустаҳкамлангани бу жараёни орқага қайтмас қилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда давлат идораларининг халқ олдида ҳисобдорлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Депутатлик сўровига жавоб бермаслик ёки кечиктириш учун маъмурий жавобгарлик чоралари кўчатирилди. Энди масъуллар буни шунчаки хот эмас, балки бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий ҳужжат деб қабул қилишмоқда. Илгари депутат ва амалдор ўртасидаги ёзишмалар "ёпиқ эшиклар" ортида қолиб кетарди. Ҳозир эса депутатлар ўз сўровларини ва олинган (ёки олинмаган) жавобларни telegram, facebook каби тармоқларда эълон қилишмоқда. Агар амалдор асоссиз рад жавобини берса ёки сукут сақласа, бу тезда муҳокамага чиқиб, ўша раҳбарнинг имижига қаттиқ зарба бермоқда.

Ва энг муҳим сабаб, Шавкат Мирзиёев бот-бот такрорлаб, керак бўлса талаб қиладиган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойили амалда ижро этила бошланди! Бу концепция ижро ҳокимияти вакилларининг психологиясини сезиларли даражада ўзгартирди. Илгари депутат сўрови "ишга халқит берадиган ортиқча юмуш" деб қўрилган бўлса, ҳозир бу муаммони юқорига чиқармасдан, парламентнинг ўзида ҳал қилиш имконияти сифатида қўрилмоқда.

Кувонарлиси, сайловчиларнинг талабчанлиги, сиёсий онги ҳам анча ошди. Энди одамлар депутатдан конкрет муаммоларни (йўл, газ, чиқинди, электр, мактаб) ҳал қилишни талаб қилмоқда. Депутат эса ўз ўрнини сақлаб қолиш ва кейинги сайловларда овоз олиш учун мажбур бўлиб эмас, натижа учун ишлашга ўтди. Бу жараён демократик институтларнинг ўйғониши ва ижро ҳокимияти устидан парламент назоратининг амалда ишлаш бошлаганидан далолат беради. Албатта, ҳали ҳам расмийлик учун (бюрократик) жавоб бериш ҳолатлари бор, лекин тизим олдинги қараганда анча тиниқлашган.

Фикримизнинг амалий мисоллар билан далилласак, Маълумки, мамлакатимизда хусусий мулкни муҳофаза қилиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда фуқаролар учун муносиб ва қулай яшаш шароитларини яратиш давлат сиёсатининг устувор ййналишларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Конституциямизнинг 65-моддасига биноан, хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас. 138-моддасига кўра, суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат

**O'zLiDeP фракцияси аъзоси Дилмурод Артиқов ушбу ҳолатдан хабар топгандаёқ Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровга депутатлик сўрови юборди. Вакилимиз сўровда аниқ саволларни ўртага ташлади:**

**"1. Қайд этилган манзилдаги бузиш ишлари қайси ҳуқуқий асосга кўра амалга оширилмоқда?"**

**2. Нима сабабдан суднинг мазкур уй-жойни бузиш тўхтатиш тўғрисидаги ажрими бўлишига қарамастан, мажбурий бузиш ишлари бошлаб юборилган?"**

Ушбу кўп квартирили уй-жойда яшовчи фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш юзасидан ваколатингиз доирасида қандай чоралар кўриляпти? Юқоридида ҳолатлардан келиб чиқиб, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ ҳолат бўйича 10 кун муддатда асосланган тушунтириш беришингизни сўрайман".

Қарангки, қисқа муддатда Фарғона вилояти ҳокимлигининг (вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Долимов имзоси билан) парламент кўйи палатаси депутати номига жавоб хати келди. Унда масала тегишли мутахассислар томонидан жойига қўрилган ишлар айтилди. Хусусан: "Қўқон шаҳрининг А. Чархий, Шохруҳобод, А. Темур кўчаларида жойлашган, эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган икки қаватли турар-жой бинолари ўрнида хусусий инвесторларнинг жалб қилган ҳолда, реновация дастури асосида, замонавий архитектура талабларига мос кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш бўйича вилоят ҳокимининг тегишли (03.02.2025 йил 63-11-0-Қ/25-сонли) қарори қабул қилинган. Унга асосан, реновация ишлари мулкдорлар розилиги олмаган ҳолда мулкдор ва хусусий инвесторлар ўртасида келишув битимига кўра, камида эски квартири-аи майдонидан кам бўлмаган реновация асосида, янги қуриладиган турар-жойлардан яшаш учун тайёр ҳолдаги квартирани мулк ҳуқуқи асосида бериш ёки пулни тўлаш, қурилиш даврида ижара ҳақи ва кўчиш харажатларини қоплаш ёки келишув битимига кўра бошқача тарзда уларнинг ўрнини қоплаш белгиланган."

Урганишларда, "USG BUILD" МЧЖ томонидан реновация дастури асосида кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш мақсадида 26-кўп қаватли турар-жойда яшовчи мулкдорлардан келишувга эришилган қисмидаги хонадонлар бузилаётгани аниқланди. Ушбу жамият томонидан 12 та хонадон эгалари билан келишув битимлари расмийлаштирилиб, бошқа квартираларга кўчирилган. Лекин 6 та хонадон эгалари билан бундай битимлар расмийлаштирилмасдан, уларга тегишли турар-жойни бузиш ишлари бошлаб юборилган. Ушбуга асосан, келишув битими тузилиб, нотарий тасдиқланиши ва мулк ҳуқуқи қурувчи ташкилот балансида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг хонадонларни бузиш ишлари амалга ошириш бўйича инвесторга оғоҳлантириш берилди ва бузиш ишлари тўхтатилди. Мажбуриятлар бажарилганидан сўнг бузиш ва қуриш ишлари амалга оширилишини маълум қиламиз".

Гувоҳи бўлганингиздек, халқ вакилининг ўз вақтида юборган биттагина хати билан манфаатлари поймол бўлаётган ўнлаб фуқаронинг ҳуқуқи тикланди. Ўнлаб оиланинг хотиржамлиги таъминланди. Биз эса воқеалар ривожини, ваъдалар ижросини кузатишда давом этамиз. Яъни мавзуга яна қайтамиз!

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
"XXI asr" мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ҲАМКОРЛИГИ

### МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНАДА ЮКСАЛИШИГА КЎМАКЛАШАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Вашингтон шаҳрига амалий ташрифи доирасида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилади. Хусусан, 35 млрд долларлик иқтисодий ҳамкорлик дастури амалга оширилиши, инвестициявий пластформа ташкил этилиши ва қатор лойиҳалар бўйича битимлар имзоланиши мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ёшлар ва хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жалб этиш борасида муҳим кадам бўлди.

Таъкидлаш керакки, биз учун муҳим ҳисобланган тармоқлар – энергетика, ўта муҳим минераллар, агро-саноат, транспорт ва ахборот технологиялари соҳаларидаги ҳамкорлик юртимиз ҳудудларининг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга яқиндан ёрдам беради. Эксембанк ва халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси иштирокида амалга оширилган лойиҳалар ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш орқали Ўзбекистонимиз тараққиётининг янада юксалишига кўмаклашади.

Президентимиз иштирокида ўтган музокаралар жараёнида халқимиз манфаатлари ифодаланган аниқ иқтисодий натижаларга эришилди. Бу оддий дипломатик ташриф эмас, балки эл-юрт истиқболи йўлидаги ислохотлар бардавомлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар натижасидир. АҚШ билан савдо ҳажмининг 1 млрд доллардан ошгани, 340 га яқин Америка компаниялари бугун республикамизда фаолият олиб бораётгани ўзаро ишонч ва аҳиллик самараси эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, инвестициявий платформанинг ишга туширилиши ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш, тўғридан-тўғри инвестиция кириб келишини тезлаштиради. Бунинг натижасида вилоятларда янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллий бюджет даромадлари яхшиланади, иқтисодиёт мустаҳкамланади. Президентимизнинг АҚШ томонини Тошкент Халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилгани мамлакатимизнинг очик, ишончли ҳамкор эканини яна бир қарра намойён этди. АҚШ билан инвестиция, савдо ва технологик ҳамкорлик масалаларида янги келишувлар муҳокама этилгани Ватанимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш, замонавий илғор технологияларни жалб этиш ва экс-

## МУНОСАБАТ



**Шухрат АСЛАНОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

порт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган учрашувлар ва халқаро мулоқотлар давомида Ўзбекистон нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, балки халқаро тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалаларида ҳам ўз позициясини аниқ баён қилди. Президентимиз Ҳазо секторини қайта тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорлиқни таъминлаш масалалари муҳокама этилган анжуманда Тинчлик кенгашининг Ҳазо сектори бўйича фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва уни муваффақиятли рўёбга чиқаришда амалий иштирок этишини қатъий тасдиқлади. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ҳазо ҳудудидаги вазиятга алоҳида тўхталиб, тинч аҳолига ёрдам кўрсатиш, ижтимоий инфратузилмани тиклаш, мактаблар, болалар боғчалари ва шифохоналар қурилишида иштирок этишга тайёргимизни билдирди. Бу баёнот Ўзбекистон ташқи сиёсатининг принципиал жиҳатини – инсон қадр ва гуманитар масъулият устуворлигини очик намойён этиб, давлатимизнинг инсонпарварлик ва конструктив дипломатияга асосланган ташқи сиёсатини яна бир бор тасдиқлади.

АҚШ бизнес доиралари вакиллари билан стратегик режалардан аниқ лойиҳаларни амалга оширишга ўтишга қаратилган янги форматдаги давра суҳбатида икки давлат ҳамкорлигининг яққол исботи бўлган ҳужжатлар имзоланди. Ишбилармонлик тadbирлари якунида илгари сурилган савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни ривожлантириш борасидаги аниқ кўшма лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

## ЭНДИ НАВБАТ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИГА!

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. 20 февраль куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган йиғилишда ҳам ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, мавжуд имкониятлар ва келгуси вазифалар атрофида муҳокама қилинди.



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Айтиш жоизки, 2017 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон тараққиётида мутлақо янги bosқич бошланди. Саноат, хизмат, энергетика, туризм ва рақамли технологиялар соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилди. Янги саноат корхоналари, IT парклар, энергетика қувватлари ишга туширилди. Натижада, саноат маҳсулотлари ҳажми 2016 йилга нисбатан бир неча баробар ошди, ялпи ҳудудий маҳсулот эса 8,5 трлн сўмдан 54,3 трлнга етди. Хизматлар соҳасида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, унинг ҳажми 35 трлн сўмдан ошди. Инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида жорий этилган имтиёз ва преференциялар иқтисодиётга сармоялар оқимини сезиларли даражада кўпайтирди. Ҳар йили юзлаб лойиҳалар амалга оширилиб, минглаб иш ўрни яратилди. 2025 йилнинг ўзига 177 миңдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланиб, 83 миң фуқаро камбағалликдан чиқарилди.

Ҳудуд учун экологик барқарорлик алоҳида аҳамиятга эга. Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар экологик вазиятни bosқичма-bosқич яхшиламоқда. Қуриган денгиз тубида миллионлаб гектарда яшил майдонлар барпо этилиши табиати тиклаш баробарида янги иқтисодий имкониятлар яратмоқда. Ижтимоий соҳада ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Янги таълим, тиббиёт ва инфратузилма объектлари барпо этилмоқда, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. Илгари экспорт улуши паст бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт ҳажми 2,1 млрд долларга етди. Табиий ресурс ва қазилма бойликлари ҳудуднинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Цемент, қурилиш тошлари, гипс, шиша ва бошқа хомашё захиралари йирик саноат кластерларини ташкил этиш учун айни муддоа.

Йиғилишда келгуси беш йиллик ривожланиш параметрлари ҳам белгилаб олинди. Ялпи ҳудудий маҳсулотни 102 трлн сўмдан ошириш, саноат ва хизматлар соҳасида 7 млрд доллардан зиёд лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилди. Экспортни 900 млн долларга етказиш, ишсизликни 4,2, камбағалликни 3,2 фоизгача камайтириш вазифаси қўйилди. Айрим шаҳар ва туманларни ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга қара-

тилган манзилли чоралар ишлаб чиқилди. Тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш мақсад қилинган, сунъий интеллект маркази, автомобиль бутловчи қисмлар кластери, базальт толаси ишлаб чиқариш, чикиндиларни қайта ишлаш каби лойиҳалар иқтисодиётни диверсификация қилишга хизмат қилади. Ёшлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида IT университети, стартап технопарк ва интеллектуал марказлар ташкил этиш ҳамда Қорақалпоғистонни инновацион ривожланиш нуқтасига айлантириш кутилмоқда. Ер ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, иқлимга мос янги экин турларини жорий этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик ва яйлов ҳўжалигини ривожлантириш, озуқа ишлаб чиқариш ва агросаноат мажмуаларини ташкил қилиш ҳам устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Туризмни ривожлантириш мақсадида Оролбўйи ва Устюрт платосида глэмпинг зоналари, "Борса келмас" тўз қони ҳудудида туризм-рекреацион зонаси, Орол тарихи музейини модернизация қилиш каби лойиҳалар амалга оширилади. Бу ишлар ҳисобига ҳудудга юз миңлаб хоржий ва миллионлаб маҳаллий сайёҳлар жалб қилинади. Транспорт-логистика салоҳиятини ошириш мақсадида Кўнғиротда халқаро стандартларга жавоб берадиган "қуруқ порт" ташкил этилади. Ичимлик суви таъминоти, йўл қурилиши ва коммунал инфратузилмани яхшилашга катта маблағлар йўналтирилади. Энг муҳими, бу жараёнлар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

# ИЗЛАНУВЧАН, ИНТИЛУВЧАН, ИЛМЛИ ЁШЛАРНИ ИЗЛАБ...

**О'zLiDeP ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Креатив тadbиркор ёшлар" лойиҳаси, таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг турли бурчаклари яшаётган билимли, изланувчан ва янгиликка интилувчан ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалий майдонга олиб чиқишда муҳим омилга**

**айланмоқда. Ушбу лойиҳа замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, тadbиркорлик руҳи кучли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг умидли ғояларини амаийётга татбиқ этишга кўмаклашишни мақсад қилгани билан аҳамиятлидир.**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Шуманай тумани Кенгаши томонидан "Креатив тadbиркор ёшлар" лойиҳаси доирасида "Саманбай кул" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тadbирда Шаҳрибану Юсупбаева фаолияти кўпчилида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидлаш керакки, Шаҳрибану хали ёш бўлса-да, аллақачон тadbиркорлик соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. У тикувчилик, сартарошлик ва пазандалик йўналишларида самарали фаолият юритиб, шу кунга қадар 1000 нафардан ортиқ шогирд тайёрлашга муваффақ бўлибди.



Бугунги кунда у хунармандчиликнинг замонавий ва талаб юқори бўлган йўналишларидан бири – резинарт (*resin art*) соҳасини ҳам пухта ўзлаштирган. Бу йўналишда у нафақат маҳсулот ишлаб чиқармоқда, балки билим ва тажрибасини бошқалар билан бўлишмоқда. Хусусан, 25 нафар хотин-қизни бепул ўқитиб, уларнинг мустақил даромад топишига замин яратди. Шунингдек, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 5 нафар ёшга устозлик қилиб, уларнинг креатив тadbиркор сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эътиборлиси, Шуманай туманида қайси соҳага эҳтиёж мавжуд бўлса, Ш. Юсупова ўша йўналишни қисқа муддатда ўрганиб, уни ёшлар ва хотин-қизларга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг асосий ғояси – касб орқали инсонларни даромадли ва мустақил ҳаётга олиб чиқиш.

– Мен учун энг катта ютуқ – бошқаларга нафим тегиши деб ҳисоблайман. Янги соҳаларни ўрганиши ва уларни ёшларга ўргатиш менга куч-қувват беради, – дейди ёш тadbиркор.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан пойтахтимиздаги Охус университетида "Креатив тadbиркор ёшлар" лойиҳаси доирасида "Депутат ва ёшлар" мулоқот учрашуви ташкил этилди.

Тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Гулшана Худоберова, Галия Райханова, Барно Бердиева, Одинахон Отахонова иштирок этиб, ёшларнинг тadbиркорлик ташаббуслари, стартап ғоялари, инновацион изланишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш билан боғлиқ таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Охус университети ректори Неъматулла Толипов эса етакчи партия фаоллари билан келажакимиз эгалари бўлган талаба ёшлар ўртасидаги ана шундай жонли мулоқотларни аънамага айлантириш таклифини ўртага ташлади.



Учрашувдан сўнг, институт биносида жойлашган кутубхонада "Book & Coffee Talks" ёш китобхонлар билан интерактив муҳокама сессиялари ташкил этилди. Шунингдек, тadbир доирасида фаол ёшлар томонидан миллий либослар кўргазмаси ташкил қилиниб, миллий қадриятлар ва замонавий услуб йўғунлиги намойиш этилди.

Дилноза ТОЖИЕВА,

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлими мудир

### ХОРАЗМ

О'zLiDeP Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан Урганч шаҳридаги "Нажот таълим" ўқув маркази биносида ўтказилган учрашув ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларда замонавий бизнес муҳитига мос кўникмаларни шакллантириш ва ташаббускорлик руҳини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Тadbир давомида фаол ва изланувчан ёшлар томонидан илгари сурилаётган стартап ғоялар, янги бизнес лойиҳалар ҳамда турли йўналишлардаги ижодий ишланмалар тақдим этилди. Ҳар бир лойиҳа ортида катта меҳнат, изланиш ва янгича фикр мужассам экани яққол сезилиб турди. Айниқса, ахборот технологиялари, робототехника, хизмат кўрсатиш ва "яшил иқтисодиёт" йўналишидаги ташаббуслар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тadbирда сўзга чиққан депутатлар давлатимизда ёш тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилган имтиёз ва имкониятлар, грант дастурлари, имтиёзли кредитлар ҳамда амалий ёрдам механизмлари ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Мулоқотда ёшлар нафақат ўз ғоялари билан ўртоқлашдилар, балки амалий тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, келгусидаги кўшма лойиҳаларни режалаштириш имконига ҳам эга бўлдилар. Улар креатив ёндашуви, янгича фикрлаш ва қатъий ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнатқ бўлишди.

Тadbир давомида қатор таклиф ва ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Хусусан, робототехника ва IT йўналишида фаол иштирок этаётган ёшлар таълим муассасалари қошида замонавий лабораториялар ташкил этиш, мактаб ўқувчилари учун эрта ёшдан дастурлаш ва робототехникага ихтисослашган тўғарақлар сонини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, стартап лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш, кичик грантлар ажратиш, имтиёзли кредитлар ҳажминини ошириш, тажрибали мутахассислар иштирокида менторлик тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди. Ёшларнинг фикрича, амалий маслаҳат ва тўғри йўналтириш қўллаб-қувватлаш истиқболли ғояларнинг муваффақиятли бизнесга айланишига замин яратади.

Бундан ташқари, имкониятни чекланган ёшлар учун робототехника ва IT соҳаларида бепул ўқув курсларини ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ақлли ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойлардаги ёшларни креатив таълимга кенг жалб этиш масалалари ҳам долзарб вазифа сифатида кўтарилди.

О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати


 O'zLiDeP ЛОЙИХАСИ

# Ишбилармонлик бобида аёллар ҳам ортида қолмайди

БУГУНГИ КУНДА МАХАЛЛАДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЗЕРО, АЁЛЛАРНИНГ БИЗНЕС ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, НАФАҚАТ, ОИЛА ДАРОМАДИНИ ОШИРАДИ, БАЛКИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЯНГИ ИШ ўРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА ХУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



“Маҳалланинг ишбилармон аёл” танлови O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Шуманай туманида юқори даражада ташкил этилди. Танловнинг маҳалла бошқичи Моншақли, Маденият, Таза базар, Сарманбай қўл ва Мамий маҳаллаларида бўлиб ўтди. Унда ўз меҳнати, ташаббуси ва қатъияти билан намуна бўлиб келаётган тадбиркор хотин-қизлар саралаб олинди. Ҳар бирининг фаолияти ўрганилди, иш тажрибаси, яратган иш ўринлари ва ҳудуд ривожига қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди.



Моншақлида фаолият юритаётган хунарманд Мадина Ҳожабева қарийб ўн йилдирки, миллий хунармандчиликни ривожлантириб келмоқда. Қўй жунидан кигиз, миллий уст-бош ва оёқ кийимлар тайёрлаб, асрлар давомида шакланган анъаналарни замонавий услуб билан уйғунлаштирмоқда. Устахонаси маҳаллий аҳолидан ташқари хорижий сайёҳлар учун ҳам гавжум масканга айланган. Бу ерда меҳмонлар бевосита маҳсулот тайёрлаш жараёнини кузатиб, миллий хунармандчилик сирлари билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Шу боис маҳсулотлари хориж бозорларига экспорт қилиниб, миллий брендида халқаро миқёсда намойён этмоқда. Қўлигил хунарманд ўз тажрибасини ёшларга ўргатиб, кўплаб шогирдлар тайёрламоқда ҳамда маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маденият маҳаллилик Марзия Шерманова ҳам тикувчилик йўналишида ўз брендини шакллантириб, “Marziya Tailor” ательесини йўлга қўйган. У замонавий ва сифатли либослар ишлаб чиқариб, маҳсулотларини ҳудудий бозорларга ҳамда қўшни Қозғоғистонга экспорт қилмоқда. Айни пайтда маҳалладаги беш нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, уларнинг барқарор даромад топишига шароит яратган. Марзия ўз фаолиятида бозор талабини чуқур ўрганиш, сифат ва замонавий дизайнга устувор аҳамият қаратиш орқали кичик бизнестини барқарор ривожлантиришга эришмоқда. Бу эса маҳаллий брендини мустақамлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мазкур танлов доирасида Таза базарда гўзаллик салони эгаси Манзура Режепова ҳамда мамийлик чевар Гулжамал Жамиева фаолияти билан кўпчиликка катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича ҳудудда янги иш ўринлари яратган, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда фаол.

Танлов якунида қолибларга туман бошқичида иштирок этиш йўлланма топирилди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси  
кенгаши матбуот хизмати

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Аёллар тадбиркорлигини тизимли равишда рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида янги йилдан бошлаб O'zLiDeP томонидан йўлга қўйилган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасидаги навбатдаги ўрганишлар ва танловнинг маҳалла бошқичи саралашлари Паркент туманидаги Истиқбол маҳалласида ташкил этилди.

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан Паркент туман кенгаши раисининг хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Бахтиниса Маҳмудова, “Истиқбол” МФЙ раиси Маҳмудбой Қорабоев, ҳоким ёрдამчиси Иззатжон Мирқамоллов тадбиркорлик субъектларини самарали бошқариб келаётган бизнес вакилларининг корхона ва хонадонларига бўлишди. Тадбиркор Саида Пўлатова раҳбарлигидаги “Дил-



фуза” оилавий корхонасида 65 нафар ишчи меҳнат қилади. Зулфия Абдувоҳидова эса 2 сотих ер майдонида лимон кўчатлари эккан. Бундан оиланинг моддий фаровонлиги ортибгина қолмай, маҳаллада яшил майдонлар кўпаймоқда.

– Аёллар тадбиркорлиги бандлик ва фаровонлик кафолатидир, – дейди O'zLiDeP Паркент туман кенгаши раисининг хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари Бахтиниса Маҳмудова. – Маҳаллада тадбиркорлик хотин-қизлар томонидан йўлга қўйилса, ижобий натижалар кўпая бошлайди. Хунармандчилик, тикувчилик, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида кўшимча бандлик шаклланади. Оила даромади барқарорлашиб, иқтисодий мустақиллик ортади, ички бозор фаоллашади. Ишбилармон тадбиркор аёллар маҳалла ҳаётида етакчи кучга айланади. Партияимиз ташаббуси билан бу жараён “Маҳалла – кичик иқтисодий макон” тамойили асосида ҳудудий ривожланишнинг драйверига айланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу танлов жуда қисқа вақт ичида анча оммалашиб кетди ва вилоят миқёсида иштирокчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

## ЖИЗЗАХ



Жиззах шаҳридаги Дўстлик маҳалласида 45 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни бошқариётганлар орасида хотин-қизлар ҳам талайгина.



Раъно Қодирова ана шундай фаол ишбилармонлардан бири. Дастлаб якка тартибда иш бошлаган тадбиркор 2015 йилда “Элноза Бону” МЧЖга асос солиди. Айни пайтда бу ерда 12 нафар хотин-қиз доимий фаолият билан банд. Яна 20 дан ортиқ аёллар тикувчиликдан сабоқ олишмоқда.

Ҳамид Олимжон маҳалласида 37 та бизнес субъекти мавжуд. Якка тартибдаги тадбиркор, чевар Мухаббат Икромова 8 нафар аёлни иш билан таъминлаш билан бирга, 20 дан ортиқ маҳалладашга ўз касбини ўргатиб келмоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотлар бугунги кунда нафақат шаҳарда, балки қўшни туманларда ҳам ўз харидорларини топиб улгурган.

Эътиборли жиҳати, партиянинг “Саломатлик сари” лойиҳаси ижроси ҳам ушбу танловга уйғунлашиб кетди. “Зиё Нур мед шифо” клиникасида Обод, Дўстлик, Боғишамол ва Навоий маҳаллаларидаги ҳам таъминланган, ижтимоий Ҳимояга муҳтож 35 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Маъмура ЭРҒАШЕВА,

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” раҳбари

## АНДИЖОН



O'zLiDeP Андижон туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси доирасида Жаҳонбод маҳалласидаги “Зухраҳон хожи она” оилавий корхонасига бориб, мазкур танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳамда ушбу жараённинг навбатдаги бошқичлари хусусида маслаҳатлашишди.



Оддий мисол: аёллар ўзлари учун қўйлак тиктиришга ҳавасманд, биласиз. Тадбир ўтаётган корхона раҳбари Зиёдаҳон Давронова аввалига ана шундай буюртмаларни қабул қилиб, опа-сингилларга бежирим либослар тикиб беради. Қарасанки, унинг хизматида талаб кундан кунга ортиб бораёпти, шартта тикувчеци очди. Ёнига шогирдлар ҳам олди.

Ҳозирда бу ерда 100 дан зиёд хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Улар тайёрлаган сифатли кийим-кечаклар маҳаллий миқозларга ҳамда Россияга экспорт қилинмоқда. Тадбиркор келгусида ходимлар сонини 200 га етказиш устида ишлаяпти.

Хуллас, бугун тумандаги барча маҳаллаларда ана шундай фидойи тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

## НАВОИЙ



Конимех тумани Наврўз маҳалласида лимончилик билан шуғулланаётган Шоҳсанам Ҳамроевнинг фаолияти ишчи гуруҳ аъзолари эътиборини тортди. Замонавий агротехнологиялар асосида ташкил этилган хўжалиқда кўчат парвариши, мавсумий ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорга етказиб беришга жиддий киришилган.

– Бу мевани иссиқхонада етиштиришда ёруғликнинг аҳамияти жуда катта, – дейди ишбилармон. – Кунига 8-10 соат ёруғлик керак. Қиш кунлари ҳароратни 15 даражадан пасайтирмай сақлаш зарур. Тупроқ намлиги ҳам ўртача ҳароратда бўлиши лозим. Баргларига тез-тез сув сепиб туриш фойдали. Агар парварниш тўғри қилинса, лимондан уч йилда ҳосил олиш мумкин.

Дарҳақиқат, беш йил аввал ярим гектар ерда иссиқхона қуриб, тадбиркорликни бошлаган Шоҳсанам опа фаолиятини янада кенгайтириб, кўпроқ маҳсулот ва даромад олишни кўзламоқда. Партия фаоллари унга бу борада ўзларининг амалий тавсияларини беришди.

Қундуз ЭШҚОРАЕВА,  
O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши  
бўлим мудир

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



# ҲАҚИҚИЙ БАРАКА – ЭЛ РОЗИЛИГИДА

Қишлоқ жойларда вояга етган ўрта ёш авлоднинг болалик хотираларида далаю даштда мол боқиш, хашак жамлаш, қишга озуқа ғамлаш каби йил – ўн икки ой давом этадиган машаққатли, аммо завқли онлар алоҳида ўрин тутати. Чунки ўша пайтларда деярли ҳар бир хонадонда ўн-ўн икки бош қўй-қўзи, камида битта сигир бўлар, бу жониворлар оиланинг нафақат даромад манбаи, балки дастурхон баракаси ҳам эди. Сут-қатиқ, қаймоқ, сариёғ, гўшт – барчаси ҳар бир оилада етиштирилган, риёқ-насиба меҳнат билан топиладди.

Бугун-чи? Афсуски, ҳозир қишлоқ жойларда ҳам чорва моллари анча камайиб кетгани сир эмас. Кўпчилик бу ҳолатни яйловларнинг қисқаргани, ем-хашак ва дори-дармон нархининг ошгани билан изоҳлайди. Бу фикрда жон бор. Бироқ соҳада фаолият юритаётган илғор чорвадорлар иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, замонавий ёндашув, наслчилик ва технологиялар асосида иш юритилса, чорвачилик хали-ҳамон сердаромад ва истиқболли соҳа бўлиб қолмоқда.

Зомин туманидаги “Наслдор дала чорваси” фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Ишназаров ана шундай изланувчан ва ташаббускор тадбиркорлардан бири. Унинг таъкидлашича, жайдари, хашаки насли мол боқиш бугунги бозор талабларига жавоб беради.

– 2009 йилда насли қорамолга иختисослашган фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилдик, – дейди у. – Оила аъзоларим ва кўп йиллик тажрибага эга ҳамкасбларимиз билан маслаҳатлашиб, чорвачиликнинг келажаги айнан насли қорамол билан боғлиқ, деган хулосага келдик. Шу қарор асосида кредит маблағлари ҳисобига Австриядан 32 бош симментал зотли қорамол олиб келдик. Европанинг иқлим шароитига мослашган бу зотни маҳаллий шароитга ўргатиш осон кечмади. Катта меҳнат, сабр-тоқат ва билим талаб этилди. Бироқ изчил ҳаракат самара берди: бугун хўжалиқда 126 бош йирик шохли қорамол парваришланмоқда, шуларнинг 62 боши соғин сигирлар.

Дарҳақиқат, 2020 йилда хўжалиқда Германия технологияси асосида замонавий молхона бунёд этилди. Баланд ва ихчам қурилган бино ёзининг жазирамасида салқинликни, қишнинг совуғида эса илиқликни сақлашга мўлжаллангани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, соғиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилгани, бир вақтнинг ўзида ўн та сигирни соғиш имконини берадиган алоҳида хонада сут автоматик қурилмалар орқали соғилиб, махсус идишларга жойлаштирилиши айтмайсизми?! Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, маҳсулот сифатини ҳам таъминламоқда.

Албатта, чорвачиликни барқарор юритиш учун мустақам озуқа базаси зарур. Шу мақсадда фермер хўжалигининг 40 гектар ер майдонида маккажўхори, беда, арпа ва бошқа озуқабоп экинлар етиштирилмоқда. Ерни ҳайдаш, экиш, уруғ сочиш, ҳосилни йиғиштириб олиш учун барча зарур техника воситалари мавжуд. Хашакни майдалаш ва аралаш озуқа тайёрлаш жараёнлари ҳам механизациялаштирилган.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда сердаромад тармоқ сифатида қўйчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда хўжалиқда 300 бош зотли қўй парваришланаяпти. Бу эса даромад манбаларини диверсификация қилиш, бозор талабига тез мослашиш имконини бермоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда фермер хўжалигида 10 киши доимий иш билан таъминланган. Ўрим-йиғим мавсумида ёки зарурат туғилганда мавсумий ишчилар ҳам жалб қилинади. Демак, бу фаолият нафақат бир оиланинг, балки бир нечта хонадоннинг риёқ-рўзини таъминламоқда.

Қолаверса, хўжалиқда симментал зотли қорамоллар устида селекция ишлари ҳам изчил ташкил этилган. Мақсад – йирик жуссали, серсут, маҳсулдор мол зотларини кўпайтириш. Шунингдек, чорвачилик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолига насли моллар сотиш йўлга қўйилган. Сотилган моллар шартнома асосида назорат қилинади, бу эса наслчилик сифатини сақлашга хизмат қилади.

– Чорвачиликнинг келажаги насли молларни кўпайтириш, янги технологияларни жорий этиш ва етиштирилган гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ, – дейди Абдурашид Ишназаров. – Шу йўналишларда янги лойиҳаларни бошлаганимиз. Ният – даромадни ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва бозорга сифатли маҳсулот етказиб бериш.

Сўхбат давомида фермернинг яна бир фазилати яққол намойён бўлди. У учун фақат даромад эмас, балки миқоз розилиги ҳам муҳим экани ойдинлашади.

– Маҳсулотимиз сифатли бўлса, одамлар рози бўлади. Ҳар гал дастурхонимиздан баҳраманд бўлган инсонлар бир оғиз дуо қилиб қўйишса, бундан ортиқ мукофот борми? Барака – эл розилигида, – дейди у самимият билан.

Ростдан ҳам, нурунийларимиз дастурхонга тортилган неъматлардан тотиғанда, уни етиштирган инсонларни эслаб, “Қўлларни дард кўрмасин, топанларига барака берсин”, дея дуо қилишларида катта ҳикмат бор.

Чунки ерга меҳр бериб, чорвага меҳнат қилган инсоннинг қўлида барака бўлади. Замонавий ёндашув ва ҳалол меҳнат уйғунлашган жойда эса нафақат даромад, балки қишлоқ тараққиёти, халқ фаровонлиги ҳам таъминланади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” муҳбири

# Суд залида... Сунъий интеллект эмас, журналист ўтиради

## ЁХУД ИМКОНИАТ ИНҚИРОЗГА ОЛИБ КЕЛМАСИН

Тан олиш керак, сунъий интеллект бугунги кунда журналистика соҳасини нафақат ўзгартирмакда, балки соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини анча енгиллаштирмакда. Бу технология ижодий шерик сифатида техник ишларни қамайтиришга ёрдам бермоқда.

Масалан, матн ва маълумотлар билан ишлашда у ОАВ ходимларига беминнат кўмакчи, вақтни энг кўп тежайдиган воситадир. Авваллари зарурат боис, соатлар давом этган интервьюларни, тадбирларни дастлаб диктофонимизга ёзиб олардик ва ишхонага келгач, уларнинг маъзини соатлаб компьютерда териб чиқардик (унгача кўлимиз қавариб оқ қозога кўчирганларимиз-чи). Энди эса бунга ҳожат қолмади, СИ моделлари аудио файлни бир неча дақиқада сифатли матн (ёки аксинча, матнни овозга)га айлантириб берапти. Шунингдек, катта ҳажмдаги ҳисобот, қонун лойиҳаси ёки мақолаларни тезкорлик билан таҳлил қилиб, ОАВнинг асосий тезисларини чиқариб беради. Хорижий уларнинг асосий тезисларини бир зумда ўзбекча (ё бошқа тилга) ўгирапти.

Қоралама тайёрлаш, яъни мақола учун режа тузиш ёки хоммаки вариантни ёзишда ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Бир матн учун бир неча жазобдор ва сарлаҳа вариантларини таклиф қилади. Матндаги хатоларни тузатиш ва услубни (масалан, расмийдан сўзлашув услубига) ўзгартириб беради. Айниқса, маълумотларни қидириш ва таҳлил қилишда ҳам уста. Чунки катта ҳажмдаги маълумотлар билан осон ишлайди. Минглаб саҳифали ҳужжатлар ичидан керакли фактлар, рақамлар ёки боғлиқликларни сониялар ичида топади. Авваллари мақоламизга қувват бўладиган, фикрларимизни далиллайдиган маълумотларни қизиқиларимизга кўра қайдномамизда йиғиб борар ёки мақола ёзиш жараёнида гулдан излаб топардик. Энди СИ нафақат мавзуга мос иқтибос ва фактларни топиб беради, балки маълумотларнинг ҳақиқийлигини текшириш ва суратларнинг қачон, қаерда олинганини аниқлашда ҳам ёрдам берапти. Бундан ташқари, мақола мавзусига мос ноёб тасвирлар яратиш ёки паст сифатли фотосуратларни тиклаш ёки видео лавҳалар учун қисқа сценарийлар ёзишни ҳам қойиллатади.

### ХАВФНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Мухим эслатма шуки, СИ қанчалик ақли бўлмасин, у хато қилиши ёки галлюцинацияга берилиши, яъни ёлғон маълумот тўқиши мумкин. Шу сабабли, у берган ҳар бир маълумотни инсон сифатида қайта текшириш журналистнинг касбий масъулиятидир. Сунъий интеллект журналистика учун катта имкониятлар очиб билан бирга, соҳанинг келажаги ва ахлоқий тамойилларига жиддий хавф ҳам туғдиради. У икки тилги қилч каби бўлиб, нотўғри фойдаланиш касбий инқирозга олиб келиши мумкин.

СИ моделлари (масалан, ChatGPT) ҳар доим ҳам ҳақиқатни айтавермайди. Улар баъзан мавжуд бўлмаган фактлар, саналар ёки манбаларни тўқиб чиқариши мумкин. Журналист у берган маълумотни текширмай эълон қилса, ўз оёқларини ва ҳатто ўша нашрнинг ишончилигини йўқотгади. СИ кўпинча маълумотни қаердан олганини кўрсатмайди, бу эса журналистиканинг асосий қоидаси – манбага таяниш тамойилини бузди.

Сунъий интеллект ёрдамида сохта суратлар, аудиолар ва видеолар яратиш жуда осонлашиб кетгани боис ҳақиқий воқеани сохтасидан ажратиб қийинлашди. Масалан, сиекатчининг айтмаган гапини СИ ёрдамида овозлаштириб, сенсация сифатида тарқатиш мумкин.

СИ моделлари миллионлаб журналистларнинг меҳнати асосида ўқитилди, лекин уларга ҳақ тўламайди. У сизнинг услубингизни кўчириши ёки бошқа нашрнинг ноёб материални қайта ишлаб, ўз номидан бериши мумкин. Бу муаллифлик ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий низоларни келтириб чиқармоқда.

Айниқса, оддий янгиликларни ёзувчи журналистлар бандлиги хавф остида қолади. Кўпгина нашрлар харажатларни тежаш мақсадида кичик хабарларни ёзишни рақамли технологияга топшириб, ходимлар сонини қисқартириши мумкин. Бу эса соҳада ишсизлик ва профессионал кадрларнинг қамайтиришга олиб келади.

СИ томонидан ёзилган мақолалар кўпинча жонсиз ва

бир хил қолипда бўлади. Журналистнинг шахсий овози, ҳиссиёти ва ижодий ёндашуви йўқолади. ОАВда ранг-баранглик қамайиб, зерикари ва стандарт матнлар кўпайиб кетади.

Демак, сунъий интеллект бу фақат асбоб. Болта билан уй қуриш ҳам мумкин, бармоқчи кесиб олиш ҳам. Журналистикада СИдан фойдаланганда фактларни текшириш ва инсон назорати тамойиллари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Энг ачинарлиси, роботга суяниб қолган журналист вақт ўтиши билан шахсий услубини йўқотади ва шунчаки СИ операторига айланиб қолади. Ўқувчилар ундай журналистнинг исми-шарифини кўргач, мақоласини ўқимади, ўтказиб юборади. Иш берувчи ҳам бундай ходимни осонгина текинроқ СИ дастурига алмаштириб юборади.

### ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Юқоридагилардан ва тажрибамиздаги кузатувларимиздан келиб чиқиб, айнан ҳуқуқ йўналишида ижод қиладиган журналистлар (барча йўналишдаги ижодкорлар ҳам,



ҳар бир инсон ҳам) сунъий интеллектдан фойдаланишда нималарга эътибор қаратиши кераклигига тўхталишни жоиз топдик. Зеро, ҳуқуқий журналистика, бу – нафақат маълумот тарқатиши, балки инсон тақдири, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат билан боғлиқ жуда нозик соҳа. Бу йўналишда хато қилишнинг баҳоси банд (судлашиш, обрўсизлиши ёки нотўғри ҳуқуқий талқин).

**Ҳуқуқшунос-журналистлар сунъий интеллект билан ишлашда қуйидаги олтин қоидаларга амал қилишлари шарт.**

**Меъёрий ҳужжатлар долзарблигини текшириш**  
СИ моделларининг билим базаси маълум бир вақт билан чегараланган бўлиши мумкин. Қонунчилик эса тез ўзгаради. Бу ерда хавф шундаки, у сизга ўз кучини йўқотган тахрирдаги моддани тақдим этиши мумкин. Шу боис журналист сунъий интеллект берган ҳар қандай норматив ҳужжат ҳаволасини, албатта, Lex.uz ёки расмий манбалар орқали қайта текшириши зарур.

**Юридик терминлар ва талқин нозиклиги**  
Ҳуқуқда битта сўз ёки тиниш белгиси мазмунни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. СИ матнини чиройли қилиш учун юридик терминни оддийроқ, ammo ноаниқ сўзга алмаштириб юбориши мумкин, масалан, “гумон қилинувчи” ва “айбланувчи” ўртасидаги фарқни йўқотиши мумкин.

**Конфиденциаллик ва шахсга доир маълумотлар**  
Журналистик суриштирув жараёнида сизга махфий ҳужжатлар ёки шахсий маълумотлар келиб тушиши мумкин. Қатъий қоида: **ҳеч қачон ёлқи суд қарорлари, тергов материаллари ёки шахснинг паспорт маълумотларини сунъий интеллект чатига юкламанг.** Бу маълумотлар серверида сақланиб қолиши ва моделни ўқитиш учун ишлатилиши мумкин (маълумотлар сизиб чиқиши хавфи).

**Этика ва адолатли мувозанат**  
СИ алгоритмлари ижтимоий тармоқлардаги трендларга қараб бир томонлама (субъектив) фикр бериши мумкин.

Ҳуқуқий журналист айбсизлик презумпциясига амал қилиши, сунъий интеллект ёзиб берган матнда бирор шахсни суд ҳукмига айбдор сифатида кўрсатувчи ҳиссиётли қуйидаги фактлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши жоиз.

### “ҚОНУН ОЛДИДА МЕН ЖАВОБ БЕРАМАН”

Унутманг, ёзган ва тақдим этган мақолангиз учун эртага қонун олдида жавоб беришингиз бор. Бу ҳуқуқий журналистиканинг энг масъулиятли нуқтаси. Сунъий интеллект мақолани сониялар ичида ёзиб бериши мумкин, ammo терговчининг қаршида ёки суд залида СИ эмас, журналистнинг ўзи ўтиради.

СИ ҳаётимизга кириб келган қисқа тарихда унга ишониб журналистларгина эмас, тажрибали юристлар ҳам панд еган. Бу мисоллар жиддий сабоқ бўла олишини инобатга олиб, улардан иккитасини тақдим этишни жоиз билдик.

“Mata vs. Avianca Airlines” иши (Mata авиакомпания-

**2. Айбсизлик презумпциясининг бузилиши**  
СИ “айбланувчи”, “гумон қилинувчи” ва “жиноятчи” тушунчаларини чалқаштириб юбориши мумкин. Суд ҳукми чиқмасдан туриб, кимнидир жиноятчи деб аташ қонунга зид. Журналист сифатида бу хатони унга тўнкаб бўлмайди, тахрир учун сиз масъулсиз.

**3. Шахсга доир маълумотларни ошкор қилиш**  
СИ очиқ манбалардан маълумот қидираётиб, қонун билан ҳимояланган шахсий маълумотларни (манзил, телефон, оилавий сир) матнга кўшиб юбориши мумкин. Бу эса “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонуннинг бузилиши ҳисобланади ва сизни олдинда катта миқдордаги жарималар кутаётганини аниқлатади.

Сунъий интеллект фақат хомашё беради, олинаётган ҳар бир жумла, ҳар бир факт чиғирингиздан ўтиши шарт. Шу боис у айтган ҳар бир қонун моддаси ва рақамни Lex.uz ёки расмий вазирлик сайтларидан қайта-қайта текширинг. СИ ҳис-туйғуни ва жамиятдаги нозик ижтимоий вазиятни тушунмайди, у ёзган матнда низо қўзғатувчи ёки камситувчи оҳанг йўқлигини фақат ақлингиз аниқлай олади. Лунда қилиб тушунтирганда, СИ – жуда ўткир пичоқ, жарроҳ

га қарши) (2023 йил, АҚШ) – бу воқеа СИ тарихидаги энг катта шармандалик сифатида танилди. Гап шундаки, юрист Стивен Шварц суд учун ҳужжат тайёрлаш ва ўз давросини асослаш учун ChatGPT дан фойдаланди. ChatGPT унга бир неча аввали суд қарорларини мисол қилиб келтирди. Аниқланишича, у суд қарорларининг бирортаси аслида бўлмаган, сунъий интеллект уларни шунчаки уйлаб толган (галлюцинация). Оқибатда юрист судда узор сўрашга мажбур бўлди, катта миқдорда жарима тўлади ва касбий обрўсига тиклаб бўлмас пугур этди.

**Иккинчи мисол. CNET нашрининг СИ мақолалари (2023 йил) – машҳур технология наشري CNET молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатлар бўйича СИ ёрдамида мақолалар чоп эта бошлади. Натижада СИ томонидан ёзилган 77 та мақоладан 41 тасида жиддий фактик хатолар аниқланди. Масалан, робот кредит фоизларини ҳисоблашда нотўғри ҳуқуқий-иқтисодий формулаларни қўллаган. Оқибат шу бўлдики, нашр катта танқидларга учради, барча мақолаларни қайта текшириш учун лойиҳани тўхтатди ва ўқувчилар олдида расман узор сўради. Журналистлар ва муҳаррирларини СИ назоратсиз қолдиргани соҳадаги энг катта камчилик деб топилди...**

**Демак, Ўзбекистон қонунчилигига кўра журналист СИдан фойдаланганда қонун олдида жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган асосий хавфларни билиши фойдадан холи бўлмайди.**

**1. Тўхмат ва ҳақорат (ЎЗ ЖК 139, 140-моддалари)**  
Сунъий интеллект баъзан интернетдаги тасдиқланмаган ёки эскирган маълумотларни тўплаб, бир инсонни жиноятчи ёки фирибгар сифатида тасвирлаб бериши мумкин. Агар сиз матнни текширишга эълон қилсангиз ва унда бирор шахсга нисбатан асоссиз айблов бўлса, СИ “узр сўрайман” дейди, сиз эса жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиласиз.

(журналист) уни тўғри ишлатса, даволайди, хато ишлатса, жароҳат еткази. Қонун эса ҳар доим тигни эмас, уни ушлаган кўлни сўроқ қилади.

Худди шунингдек, сунъий интеллект журналистика факультети талабалари учун эърдандамуқимоти бўла олиши мумкин, лекин тўлақонли амалиётчи раҳбар бўла олмайдми. Тўғри, юқорида айтганимиздек у матнни турли жанрлар – репортаж, фельетон, хабарга мослаб қайта ёзиб беради, катта ҳажмдаги маълумотлардан энг муҳим нуқталарни ажратиб кўрсатади, жалб этувчи сарлаҳалар вариантни таклиф қилади, халқроқ нашрларни ўзбекчага сифатли ўгириб, таҳлил қилади. Ammo... **ҳақиқий амалиётчи раҳбар (тажрибали журналист) берадиган интуиция ва журналист дарсини бера олмайдми! У воқеа жойига бориб, одамларнинг кўзидаги қўрқув ёки ёлғончи сеза олмайдми. У жонли интервью ололмайдми! Қолаверса, унда журналист учун энг муҳим бўлган этик масъулият йўқ! У жамиятдаги нозик ижтимоий вазият, миллий менталитет ва мақоланинг эртанги оқибатларини ҳис қилмайди.**

Журналистикада манбалар билан ишлаш, ишонч қозониш жуда муҳим. Робот эса амалдордан қандай қилиб эксклюзив интервью олишни ўргата олмайдми, чунки унда инсоний омил йўқ.

Журналистика эса шунчаки матн йиғиш эмас, инсон-шуносликдир, жамиятни тарбиялашни, одамларни тўғри йўлга бошлаб туришни зиммасига олган машаққатли касбдир. Бу оғир вазифани тақдир деб билганлар доимо хушёр ва уйғоқ бўладилар, юраклари фақат Ватан, халқ, жамият ва адолат ишқидеа ёнади. Уларнинг бундан устунроқ дард-ташвишлари бўлмайди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” муҳбири

### БУНЁДКОРЛИК

Қорақалпоғистон Республикасида давлат дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Бугун юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий бино-иншоотлар қад ростлаб, ижтимоий инфратузилма мустаҳкамланмоқда. Бу ишлар, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёш авлодга муносиб таълим-тарбия шaroитларини яратишга хизмат қилмоқда.

Ибратли жиҳати, бу каби хайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма ташаббуси асосида амалга оширилаётган “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” дастури доирасида олиб борилмоқда. Лойиҳа Ислоҳ тараққиёти банки ва ОПЕК Халқаро жамғармаси томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса дастурнинг аҳамияти ва кўлами

нақадар катта эканини яққол намоён этади.

Биргина мисол, **Амударё туманининг Арна бўйи маҳалласида** жойлашган 57-сонли умумтаълим мактабига ўқувчилар сони йил сайин ортиб, мавжуд қувват етишмаслиги муаммо туғдираётган эди. Айниқса, спорт залининг мавжуд эмаслиги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотларини тўлиқ ўтказишга тўсқинлик қиларди.

Дастур доирасида мактабнинг мавжуд биноси **Қурбанбай Матмуратов раҳбарлигидаги “Mangit Invest Maksimum” МЧЖ** пудратчи ташкилоти томонидан мукамал таъмирланиб, қўшимча равишда 120 ўринли янги ўқув биноси ҳамда замонавий спорт зали барпо этилмоқда. Қурилиш ишлари амалдаги меъёр ва техник талаблар асосида олиб борилмоқда. Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг

“Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” буюртмасига мувофиқ амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Яна бир гап. Яқин пайтларга **Элликқалъа туманининг Амиробод маҳалласида** мактабгача таълим ташкилотига бўлган эҳтиёж юқори эди. Шу боис фойдаланилмаётган мактаб биноси реконструкция қилиниб, 120 ўринли МТГга мослаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Қурилиш ишлари **“Ideal Maxsus Qurilish” МЧЖ** томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа яқунлангач, маҳалладаги болалар замонавий жиҳозланган, хавфсиз ва барча санитария талабларига жавоб берадиган боғчага эга бўлади.

Шунингдек, **Беруний туманининг Шимом овулида** жойлашган 52-сонли умумтаълим мактаби анча йиллардан буйн таъмирга муҳтож



эди. Шу билан бирга Кўккўз қишлоғидаги мактаб филиали атрофини девор билан ўраш зарурати, ота-оналар ва мактаб маъмуриятини анча йиллардан буйн қийнаб келаётган муаммолардан бири эди.

Дастур доирасида мазкур ишлар учун 8 миллиард 171 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда Ойбек Исмоилов раҳбарлигидаги “MANGIT-IDEAL-QURILISH” МЧЖ томонидан мактаб фасади энергия

тежамкор базальт плиталар билан қопланиб, синфхоналарнинг эшик ва ромлари янгилашмоқда. Қолаверса, иссиқлик таъминоти тизими замонавий талаблар асосида модернизация қилиниб, болалар учун муносиб шарт-шaroит яратилмоқда.

Мухтасар айтганда, бунёдкорлик ва янгилаштириш суръати Қорақалпоғистон заминидан изчил ислохотлар уйғунлигида, самарали давом этмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,  
“XXI asr” муҳбири


Хизматлар лицензияланган

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

МУТОЛАА

“МОМАҚАЛДИРОҚ...”

ОРТИДА СЕВГИ ВА ЭҲТИРОС, ХИЁНАТ ВА СИЁСАТ, ОЧКЎЗЛИК ВА КОРРУПЦИЯ ЁТИБДИ



қозонмоқ ёки мағлуб бўлмоқ шунчалик муҳими одамга? Яхши яшаш учун интиломқи ғалаба? Шунча яшаб келганинга яраша кўксингда уриб турган юрагинга нима дейсан? Виждон олдидаги жавобинг қандай бўлади?



Қачонки устоз Эркин Аъзамнинг асарларини ўқишга киришсам, отам раҳматлининг “Шу Эркин зўр ёзади-да”, деган гаплари эсимга тушаверади. Ушанда анча ёш эдим. Улғайгач, адибнинг асарлари мени ўзига оҳанрабо янглиб тортиб кетди. Айниқса, “Отойининг туғилган йили”га ёпишим-қолдим. Ёш ва саркаш Аскар Шодибековнинг чўртқасарлиги, тағдор гаплари, пичинг-истехзолари, энг муҳими, тўғрисиёзлиги ўз аҳдидан қайтмаслиги нафақат менга, балки китобхон тенгқурларимга ҳам ёқиб тушган эди.

Қарангки, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ёзилган ушбу қисса бугунги кунда ҳам энг ўқишли асарлар рўйхатидан тушмай келяпти. Китоб бозоридаги учарлар “Отойининг туғилган йили”ни лотин ёзувида чиқариб, минг-минглаб ададда сотаяпти ҳам.

Яқинда Эркин Аъзамнинг “Момакалдироқ остида сайр” романини бир зарбда ўқиб чиқдим. Уни азбаройи қизиқиб, гоҳ шижоатга тўлиб, гоҳида эса изтиробга тушиб мутулаа қилдим. Китоб қаҳрамонлари билан яшадим. Тан олиб айтаманки, бундай асарларни қанча кўпроқ тарғиб қилсак, барибир шунча кам.

Хўш, “Момакалдироқ остида сайр” нима ҳақда? Китобда ёзилганидек, роман бир кўчада ўсиб-улғайган, бўйидан баяндал сакрашга уринган уч қаҳрамоннинг чигал тақдиридан сўйлайди. Уларнинг сўнгги ўнйилликлардаги ҳаёти ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди.

Энг аввало, умумий хулосаларимни баён этай... Инсон ҳаёти шу экан: яхши, чиройли яшай дейсан, бошингни ҳар деворга уриб кўрасан, кўкка – юқорига интилсан, керак бўлса, сапчийсан, аммо... барибир пешонадан борини кўрасан. Умр аталмиш издиҳомда сенга кимлар юзма-юз келиши, улар туйфайли қай бир кўргиликларга дучор бўлишингни ўзинг билмайсан-да! Аслида бу ҳам манглайингга битилганидан!

Нима бўлганда ҳам сенинг танлаш ҳуқуқинг бор. Ҳаётинг қай йўсинда кечиши, ҳарқалай, ўзингга қўйиб берилган. Онгли бандасан-ку! Чўққини кўзладингми, айрим “ис-тисно”лардан кўз юмасан, бечора одам! Китоб қаҳрамони Исқандар – худди шундай тақдир эгаси. У ўзининг нурафшон келажак асосий бекатлардан бири бўлмоғи керак эди. У никоҳ кечасидаёқ адашганини англайди, аммо дамини ичига ютишга мажбур. Акс ҳолда, ҳамма орзулари чиппака чикарди. Юқорида айтганимиздек, олдидан ёрқин келажак кутиб турибди-да!

Кейин Исқандар Ойравшани топди. Бир кўчада ўсиб-улғайган хув пари-пайкарни! Қарангки, парийи унинг истакларига осонгина кўнади-қолади. Исқандарнинг бир гал қилган яхшиликларига миннатдорлик сифатида!

Муаллиф Ойравшанга анчайин кенг тўхталади. Бошқа икки қаҳрамонга нисбатан унинг таъриф, тавсифи ҳам, “саргузашт”лари ҳам бисёр. Адабиёт ёки журналистикадан бохабар китобхон кўз олдида эса ўзи билган ёки эшитган “аллақим” гавдаланади.

Ўқишдан сўнг олис қишлоғидан кўра вилоятга ўтиб ишлаган, кейин эса пойтахтни қора тортиб келган қизгина!.. Дарвоқе, ай бажис эмас! Машҳур журналининг машҳур бош муҳаррири айтганидек, Ойравшан – “эъжод кишичи!” Унинг шеърлари Опага чунонам ёққанки, бутун жамоани оёққа турғазган!

Бундай Опалар ҳам ўзига хос тип! Муаллиф уларнинг хатти-ҳаракатларини чунонам тасвир этадики, беихтиёр

қулиб ҳам юборасан. Дейлик, Ойравшан ўзининг шеърларини ўқийганида “Опа ярқ-юрқ узукли панжаларини чаккасига босган кўйи дераза тарафга ўйчан боқиб тинглар эди”... Хотин-қизлар жамоасидаги хушомадгўйликни айтинг! Опани ишдан уйга кузатишларини кўринг: “икки ёндаги эшиклар ланг очик, коридорни тўлдириб ҳамма ташқарига йўл олган”. Опа кетар чоғида Ойравшанга рўмолчасини узатиб, унинг ҳали ишлатилмаганини айтади. Шунда бирови астойдил ҳавас қилади: “Ишлатилган бўлса нима қипти?.. Табаррук-да. Масалан мен жон-жон дердим”. Зур деталлар топади-да муаллиф.

Ҳа, Ойравшан ижоди туйфайли эътиборга тушди, бироқ айнан шеърлари бошига тушов бўлишини туш кўрибди, дейсизми! Уларнинг кўчасидаги Ғайратга унаштирилган қиз ҳали замон ҳаёт йўли бисёр ўзгариб кетишини қайдан билсин! Тахририят аталмиш даргоҳларда бундай кор-қоллар бўлиб туради-да, аттанг! Тагин денг, “ижрочи” – кўй оғзидан чўп олмайдигандек кўринган ёши улўғ одам... Аммо унганча Ойравшан аллақачон бу “кўча”га кириб, Исқандарнинг қармоғига илиниб бўлганди. Унинг пойтахтга келишига сабаб ҳам инон-ихтиёрини прокурор жанобларига бериб қўйганида эди аслида. Тўғривоғи, вилоятдаги бу машҳур телебошловчи сохибжамол Исқандарнинг хотини томонидан ишдан жудо этилган, кейин Тошкент сори юз тутган эди.

...Ойравшан журналдан ТВга ишга ўтади. Ҳартугул обрў-эътибор ортиради. Кейин эса йўқ жойдан депутат бўлишга киришади, лекин омади чопмайди. Уни шу йўлга ундаган Раисга раҳминг келади киши! Бир сўз билан айтганда, яхши одам! Ойравшанга кўп ёрдам қилади, саховат кўрсатади. Фотиҳа тўйи бўзилган мусофир шоирага кераклиси нима – уй, машина! Яна... Раисдан ортирган бола!.. Қолганини ўзи уддалар, ахир! Раис унинг шаънини сақлаб, ҳатто дабдала тўй ҳам уюштириб беради. Сохта тўйга сохта кувёни ҳам ўзи топади.

Аммо Ойравшан энгилтак, бузуқ эмас! Буни ҳув овлоқ жойда пули жарақ-жарақ банкирнинг ҳимматидан воз кечиб, совуқ ва қоронғи кўчаларда тентираганида яққол кўраминг! Кўрамагур банкир оғанинг ҳаёти ҳам “типикмисан типик”!.. Ўз юртида шунча айшу ишрат қилгани етмагандек, банкирнинг пулларини охиригача умариб, хорижга сурворади у. Отининг калласидек юрак бор-да бу тоифада! Сўнгги автобусга илинган Ойравшан оғир изтиробда чуқур уйлаб кўради. Шу чоққача йўл қўйган хатолари ҳақида бош қотиради. “Ахир, бу нима юриш, бу қандай расво қисмат!..”

Учинчи қаҳрамон – Ғайратнинг қисматида ҳам кимлардир “роль ўйнайди”. Ойравшаннинг “оламшумул” хатини олган, ҳамма маломат қилса-да, барибир қизгинани айб-ламайди. Ғайратнинг назарида, гўё бу ерда бир сир бор, ҳеч ким билмайдиган сир! Исқандардан домангир бўлади.

Икки қаҳрамондан фарқи ўлароқ Ғайрат бир қадр одмироқ! У яхши ва виждонан ишлагани учун ҳам “жазо”-сини олади. Аблаҳ Ворисхоннинг айтганини қилгани учун! Китобхон бу прототип кимлигини жуда яхши билади. Ғайратга вилоят ҳокими ўринбосари Шойимбоевга уч-

раб, “Халқ сўзи” газетасига ўралган пулни бериб қўйишини сўрашади. Шунчаки эмас, албатта! Мазкур жараён унинг билагига тақилдиган соат орқали видеотасвирга олиниши керак эди. Аммо Ғайрат баҳона топиб, бу ишни амалга оширмайди. Оқибатда тўрт ойга яқин вақт мобайнида Ворисхоннинг ертўласида ётиб чиқади. Бу орада уни Шойимбоев билан юзлаштиради. “Кўл-оёғидан кўтариб ерга уравериб ичини тўкиб ташлагандек автода бир аҳволда” эди бечора собиқ ўринбосар. “Мен сиздан ҳеч нарса олганим йўқ-ку, Ғайратбой?” дейди у. “Мен ҳам сизга ҳеч нарса берганим йўқ, Диёр ака”, деб жавоб қайтаради Ғайрат. Айбисиз айбдорлар, дарди ичиди маҳкумлар...

Бир кун эса ҳе йўқ, бе йўқ, Ғайратни озод қилиб юборадилар. Ҳеч бир сабабсиз. Маълум бўлишича, унинг устидан жиноий иш очилмаган ҳам экан. Ҳа, дарвоқе, шунчаки қўйиб юборишмаган. Ворисхон бошқа вилоятга ишга ўтгани учун ҳам озод қилишган. Ғайрат ўз ишига қайта тикланади...

Бу каби воқеалар ортида бир эмас, бир дунё ҳақиқат ётибди. Тарихи эса узоқ ўтмишга ҳам бориб тақалмайди. Зукко ўқувчи гап кимлар ҳақиқалигини тезда фаҳмлаб олади.

Яна Ойравшанга юзланамиз. Унинг кўз очиб топгани – Раис бобо оғир хасталаниб қолади. Бир оёғини жарроҳлик йўли билан кесиб ташлайди. Маълум вақтдан сўнг иккинчи оёғидан ҳам жудо бўлади. Ойравшан изтироб чекади...

Шоира эътиқод йўлига қиради. “Ҳа! Бу тийиксиз вужуду жунунваш кўнглини жиловлашинг шундан бошқа чораси йўқ, қолмаган. Ягона йўли – шу!” Ойравшан либосини ўз-гартиради ва ТВдаги ишдан четлатилади. Чунки ўз сўзини айтиб бўлган. У маслағидан қайтмайди.

Ойравшаннинг отаси қаёқ қилгани ҳақида хабар келади. У қишлоғига йўл олади. Қарангки, асарнинг учала қаҳрамони ҳам ўз туғилган масқанда!..

Чигал тақдирлар! Ҳаёт йўлида саросар кезган, не-не чиғирқиқлардан ўтган қаҳрамонлар! Бир-бирига бегона, ҳатто бири бошқасига домангир, ундан аламзада, хафа... Бир пайтлардаги қилмишлар учун!

Бу қаҳрамонларнинг қайси ютди-ю қай бири ютқазди? Қай бири голиб ва қай бири мағлуб? Аслида ҳаётда зафар

АКС САДО

ЯНГИ АВЛОД ТАДБИРКОРЛАРИ ЁНИМИЗДА!

Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган очиқ ва самимий мулоқотини телевизорда кўриб, бошим осмонга етди. Ва беихтиёр атоқли шоир-адиб Ҳамид Фуломнинг “Эх, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” деган ўтли сатрлари хаёлимдан ўтди. Нега десангиз, бугунги авлод вакиллари шаънига айтилган тилак ва ниҳоятлар, билдирилган юксак ишонч ҳар қандай инсонни ҳаяжонга солади-да. Ёки давлат раҳбари хузурида хоразмлик 4-синф ўқувчисининг оташнафас овозда куйлаган “Мустаҳзол” кўшиғи нафақат бутун залда йиғилганларни, балки ана шу учрашувни кўриб, кузатиб ўтирган миллионлаб юртдошларимизни ҳам ҳайратга солгани аниқ деб ўйлайман. Қолаверса, бир учрашув баҳонасида қанча халқчил ташаббуслар ўртага ташланди, умидбахш режалар, улкан мақсадлар янгради. Энди фақат белгилаб берилган долзарб вазифаларни ҳаётга қандай татбиқ этиш ҳақида чуқур ўйлаш керак. Уларни четдан келиб ҳеч ким амалга ошириб қўя олмайди, фақат ва фақат ўзимиз, шу жонажон халқимиз адо эта оламиз.

Масалан, ушбу учрашувда Тошкент аграр университетидида механизация ва агромуҳандислик йўналишида тахсил олаётган талабаларни “дуал” таълим асосида бевосита Чирчиқдаги агро-тех кластерида ўқитиш режалаштирилмоқда. Қувончли жиҳати, ёшлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб маош олиши белгиланмоқда. Яна бир ажойиб янгилик,

университет қошида ҳар бири 5 нафар талабадан иборат “Келажак фермерлари” экспериментал жамоалари ташкил этилади. Улар ўқув йили давомида 10 сотих ерни ўзлаштириб, ўзлари экин экади. Улар ернинг унумдорлигини ошириш, серҳосил ва юқори даромад олиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, курсдан курсга ўтади. Энг муҳими, талабалар ҳо-

силдорликни таҳлил қилади, харажат ва даромадни ҳисоб-китоб қилади, серҳосиллик ва юқори даромадга эришиш йўлларини излайди. Бу эса уларда нафақат агротехник билим, балки иқтисодий тафаккур, бизнес режалаштириш ва масъулият ҳиссини шакллантиради. Бундай тажрибалар қачон синаб кўрилган, ҳеч қачон. Тўғрими? Мана,

сизга ҳақиқий инновацион ёндашув. Бу эса ёш мутахассисларнинг бозор талабларига мос, рақобатбардош кадр бўлиб етишишида муҳим қадамдир. Дуал таълим тизими назария билан амалиёт ўй-ғунлигини таъминлайди. Талаба фақат дарслик билан чекланиб қолмайди, балки замонавий агротехника, илғор технология ва бошқарув тажрибасини бевосита иш жараёнида ўрганади. Бу эса унинг тажрибасини бойитиб, эртанги кунда мустақил фермер ёки тадбиркор сифатида фаолият юритиши учун мустаҳкам пойдевор яратеди.

Ўйлаймики, бу каби ташаббуслар фақат бир олий ўқув юрти доирасида қилиб кетмаслиги керак. Улар мамлакатимиздаги бошқа таълим муассасалари учун ҳам ибрат ва амалий намуна бўлиши лозим. Зеро, бугун ёшларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг меҳнат бозоридида муносиб ўрин эгаллаши давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифадир.



Барно МИРЗАМОВА, Ўзбекистон фермерлари кенгаши ходими

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

- Ахтам ХАЙТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожддин САЙИЙД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ

- Гулшана ХУДОЁРОВА, Шўҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi\_asr@mail.uz, xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80

(тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Собиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 0245

Адади: 6329

Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 18:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдулла ЧИМИРЗАЕВ